

Истеъмолчилар ва субистеъмолчилар (ижарачилар), тадбиркорлик субъектлари ёхуд фуқаролар ўртасида турли хил низоли (келишмовчилик) ҳолатларда, фақатгина суднинг қонуний кучга кирган қарорларига асосан Таъминотчи корхона электр тармоқдан ажратиш ёки қайта улашни амалга оширади.

3.15. Ҳисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта ҳисоб-китоб, Истеъмолчини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Қоидаларни бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

3.16. Таъминотчи корхона етказиб берилган электр энегия учун қарздор бўлган Истеъмолчига қарзни беш кун ичида тўланиши хақида хабардор қилишни таъминлайди.

Таъминотчи корхона Истеъмолчини хабардор қилинган вақтдан бошлаб беш кун муддат ўтгандан сўнг, Истеъмолчини дебитор қарздорлик учун тармоқдан узиб қўйиш ва уларни қайтадан улашни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширади.

Қайта уланишда Истеъмолчидан тўлов куни амалда бўлган базавий ҳисоблаш микдорининг ўн баравари микдорида ҳақ ундирилади. Бунда, ЭХНАТга уланган ҳамда ҳисобга олиш прибори автоматик тарзда ўчириб-ёкиш қурилмасига эга бўлган истеъмолчиларни тармоқларига қайта уланиши учун ҳақ ундирилмайди.

3.17. Истеъмолчи электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алоҳида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий хажмидан олинандиган улушга мутаносиб равишда ҳақ тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига бериландиган электр энергияси тарифига қўйишга рухсат этилмайди.

3.18. Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва коммунал-эксплуатация ташкилотлари, электр энергиясидан аҳолига электр энергияси етказиб бериш мақсадида фойдаланувчи идоравий ва муниципал уй-жой фонди, юридик шахслар ётоқхоналари, диний ташкилотлар ва оилавий корхоналар, шунингдек, электр энергиясидан аҳоли эҳтиёжлари учун фойдаланандиган локал қозонхоналарга маиший истеъмолчиларга белгиланган тариф қўлланилади.

3.19. Электр энергиясини ҳисобга олиш прибор билан биргаликда фойдаланиладиган ўлчов трансформаторларини бошқа жойга ўрнатиш ва алмаштириш Таъминотчи корхона билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Истеъмолчининг айби билан электр энергиясини ҳисобга олиш приборига зарар етказилган (пломбаси бузилса, ойнаси синса ва бошқалар), электр энергиясини ҳисобга олиш приборини улаш схемаси ўзгартирилган, ҳисобга олиш асбобининг хотира блоки ва уни дастурлашдан фойдаланиш тугмасига (бўлмасига) ташқаридан таъсир кўрсатилган, электр энергиясини ҳисобга олиш приборидан ташқари электр қабул қилгичларни улаш ёки энергия бошқа усулда ўғирланган ҳолларда, Таъминотчи корхонанинг ваколатли вакили белгиланган шакл бўйича қоидани бузиш далолатномасини тузади. Ушбу далолатнома асосида Таъминотчи корхона Истеъмолчини электр тармоғидан узиб қўяди.

Ҳисобга олинмаган электр энергияси микдорининг қиймати Таъминотчи корхона томонидан ушбу Шартномада кўрсатилган Истеъмолчининг иш соатлари сони ҳисобга олинган ҳолда электр қабул қилгичларнинг уланган қуввати бўйича куйидаги ҳолатларда амалга оширилади:

электр энергиясини ҳисобга олиш прибори, ўлчов трансформаторларини улаш схемалари ўзгартирилганда, ҳисобга олиш асбобининг хотира блоки ва уни дастурлашдан фойдаланиш тугмасига (бўлмасига) ташқаридан таъсир кўрсатилганда ва ҳисобга олишни назорат қилиш асбобларидан ташқари электр қабул қилгичлар кўз билан аниқлаб бўлмайдиган яширин йўл билан (яширин электр симлари,